
Ўзим ўқиган мактабга - менинг туҳфам

Шу шиор остида 5-мактабнинг собиқ битирувчилари ижтимоий челленжни бошладилар. Тадбир давомида собиқ битирувчилар мактабга ташриф буюришиб, ўқувчилар билан давра суҳбати ташкиллашлари, бадий китоблар совға қилишлари белгиланган.

Мактабни 2004 йилда тамомлаган собиқ битирувчилардан ФарПИ механика машинасозлиги факультети технологик машиналар жиҳозлаш кафедраси катта ўқитувчиси Абдурахмон Сулаймонов, Фарғона вилоят газ таъминоти корхонаси муҳандиси Аброр Назаров ва туман ХТБ мутахассиси Илҳом Мадиевлар мактабга ташриф буюришиб, таълим муассасасида ўқитувчилар ва ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни ўргандилар.

Челленж иштирокчилари битирувчи синфлар билан очиқ мулоқот ўтказишди. Мактаб кутубхонасига китоблар ҳадя қилишди. Шунингдек ёзги таътил даврида 3 та синф хонасини жорий таъмирдан чиқаришга амалий ёрдам беришларини таъкидлаб ўтишди.

М.Қодирова,

шу мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

2021-04-24 12:11:18